

Хабар

ERURSEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN

1
(1163)
2-YANVAR
2015
www.xabar.uz
info@xabar.uz
1992-YIL MARTDAN CHIQA BOSHLAGAN

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ALOQA, AXBOROTLASHTIRISH VA TELEKOMMUNIKATSIYA TEXNOLOGIYALARI DAVLAT QO'MITASI NASHRI

Ислом
КАРИМОВ:

Ҳар қандай жамиятнинг ёши улуг одамларга бўлган эътибори ва ғамхўрлиги унинг маданий даражасини белгилайди, десак, янглишмаган бўламиз. Соддагина, ўзбекона қилиб айтганда, кексаларга ҳурмат-эътиром, меҳр-оқибат кўрсатиш маънавий ҳаётимизнинг том маънода ажралмас қисмига айланган.

БИРИСИН ОЙ АНГЛА, БИРИСИН ҚУЁШ



2015 йил —
Кексаларни
эъозлаш йили

Суратда (чапдан ўнгга): "Беш коммутация маркази" филиали телеграф алоқалар цехи сектор бошлиғи Жамшид ИМОМАЛМОВ, факрийлар — Султонмурод ШУКУРОВ, Ҳикмат УРОЗОВ, Собир КАРИМОВ ҳамда пакетли коммутация цехи бошлиғи Хуршид АРСЛОНОВ.

УШБУ СОНДА:

- Режали иш – жўяли иш **2**
- "Электрон ҳукумат" тизими **4**
- Ҳарбийлик шарафи **5**
- Оглядываясь назад с целями на будущее **6**
- Янги йилда NAV.UZ интернет парки **13**

Сўнгги янгилик!

Смартфонлар ишлаб чиқарувчи Хиаоми (Хитой) компанияси дунёнинг энг қиммат стартапи (ёш компания) дея эътироф этилди. Айни пайтда Хитой компаниясининг умумий қиймати 45 миллиард долларга тенг бўлиб, Сан-Францисконинг Uber стартапи (40 млрд.)ни ортда қолдирган.

Эслатиб ўтамиз, Хиаоми ташкил этилганига тўрт йил тўлди.



Янги йилнингиз муборак бўлсин!

Umadan umagacha

Matbuotda Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2015 йил 2 январ кунини дам олиш кунини деб эълон қилиш тўғрисида"ги қарори эълон қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2014 йил 26 декабр кунини бўлиб ўтган мажлисида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддаси, "Давлат ҳокимияти вакиллик органларига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг навбатдаги сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонунининг 2-моддаси ва Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги қонунининг 8-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кунини 2015 йил 29 март кунини деб белгилаш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Пойтахтимиздаги "Туркистон" саройида "Президент арчаси"нинг асосий байрам тадбирлари 29-30 декабр кунлари бўлиб ўтди. Болаларга Президентимизнинг Янги йил совгалари тоширилди. Бундай тадбирлар Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда ҳам бўлиб ўтди.

Янги йил байрами арафасида Самарқанд вилоятидаги Меҳрибонлик уйлари собиқ тарбияланувчилари, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган ва имконияти чекланган ёшларга Самарқанд шаҳридаги қирқ хонадонли кўп қаватли уй қалитлари тоширилди.

Фарғонада "Нуронийлар ва ёш авлод учрашуви" деб номланган тадбир бўлиб ўтди. Унда уруш ва меҳнат фронти фахрийларига Президентимизнинг совгалари тоширилди. Тадбир доирасида иштирокчилар Фарғона шаҳрида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари билан танишди. Санъаткорларнинг байрам дастури намойиш этилди.

Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари Давлат музейида "Менинг армиям — менинг фахрим" танлови ғолибларини тантанали тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Танлов якунига кўра, "Чақиривга қадар бошланғич тайёргарлик" номинациясида биринчи ўринни Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети доценти А.Сотволдисев эгаллади. "Энг намунали ҳарбий сулола" номинациясида Самарқанд шаҳридаги Сартепа туризм ва машиный хизмат кўрсатиш коллежи ўқитувчиси Б.Икромов ғолиб бўлди.

2014 йилнинг 26 декабр кунини Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси Ҳай'атининг белгиланган режага асосан 2014 йилдаги сўнги йиғилиши бўлиб ўтди.

РЕЖАЛИ ИШ — ЖўЯЛИ ИШ

Қўмита раисининг биринчи ўринбосари М.Маҳмудов бошқарган йиғилишда жойлардаги "Компютерлаштириш маркази" ДУКлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳолати, қўмитанинг Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси ҳамда тизимдаги корхона ва ташкилотларнинг мазкур ҳудуддаги таркибий бўлинмаларида ижро интизомини ўрганиш натижалари, соҳа ташкилотларида меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирларининг бажарилиши ва ходимларга яратилган хавфсиз меҳнат шароитлари тўғрисидаги масалалар селектор тизими орқали батафсил кўриб чиқилди.

Ушбу масалалар юзасидан "Электрон ҳукумат" тизимини ривожлантириш маркази директори Ш.Ҳабибуллаев, қўмитанинг ҳудудий бошқармалар фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи Ф.Арипжанов, Ўзбекистон алоқа ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши раиси А.Ишанходжаевларнинг маърузалари тингланди. Хусусан, маърузачилар 2015 йил учун Компютерлаштириш марказларининг АКТни ривожлантириш бўйича амалга оширилиши режалаштирилган чора-тадбирларни аниқланган камчиликларни бартараф этишни инobat-

га олган ҳолда ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, мазкур марказлардаги бўш иш ўринларини малакали мутахассис кадрлар билан таъминлаш ҳамда уларнинг малакаларини, мунтазам, жумладан, хорижий давлатларда ҳам ошириш чораларини кўриш, жорий йил давомида барча маҳаллий давлат ҳокимияти органларида АКТни жорий этишни янада ривожлантириш мақсадида "АКТ соҳасидаги энг яхши ҳудуд-2015" танловини ўтказиш ҳақида; қўмитанинг Тошкент вилояти ҲБ, "Ўзбектелеком" АК "Чирок" МЧЖ, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича давлат инспекциясининг Тошкент вилояти ҳудудий бўлими, "Матбуот тарқатувчи" АК Тошкент вилояти ШҚда ижро интизомига риоя этиш ва уни мустаҳкамлаш бўйича амалга оширилаётган фаолият талаб даражасида эканлиги, "Ўзбекистон почтаси" АЖ Тошкент филиали, РАКМ Тошкент вилояти АКМ, "Ўзбектелеком" АК Тошкент филиали ва Чиноз ТБда тегишли йўналишлар бўйича талабларга риоя этиш етарли эмаслиги ҳамда олиб борилаётган фаолиятларини янада кучайтириш ва мустаҳкамлаш лозимлиги; Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуника-

ция технологиялари давлат қўмитаси билан Ўзбекистон алоқа ходимлари касба уюшмаси ўзаро ҳамкорлик ва ижтимоий шериклигида 2013-

2014 йилларга мўлжалланган қўшма тадбирлар режаси асосида ташкилий, ҳуқуқий, меҳнатни муҳофаза қилиш ва маданий-маърифий ҳамда спорт-соғломлаштириш йўналишларида оид тадбирлар ижроси тўлиқ таъминланганлиги, соҳа корхона, ташкилотларида меҳнат муҳофазаси тадбирларини бажариш бўйича касба уюшма ташкилотлари билан 2014 йил учун тузилган битим ва чора-тадбирларда жами режалаштирилган 2875та тадбирнинг 77 фоизи белгиланган муддатларда амалга оширилганлиги тўғрисида батафсил сўз юритишди.

Шунингдек, йиғилишда "2014 йилда раҳбар кадрлар захираси бўйича қилинган ишлар, 2015 йилда белгиланган вазибалар ҳақида"ги масала бўйича қўмитанинг кадрлар бўлими бошлиғи Ф.Сафарова ахборот берди.

Ҳай'атда кўрилган масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

Шуни алоҳида қайд этиш жозик, йил давомида белгиланган иш режаси асосида ўтказилган Ҳай'ат йиғилишларида кўрилган долзарб масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилиниб, кутилган натижаларга эришилмоқда. Кенгаши тўй тарқамаси деганларидек, Ҳай'атда муҳокама қилинган масалалар ўз ечимини топиб, ижобий самаралар бермоқда.

Фойдаси бисёр



Кўрик-танлов ғолиб ва совриндорлари

Соҳа корхона ва ташкилотлари мутахассислари ўртасида ўтказилган Кўрик-танловларнинг фойдаси бисёр. Бундай танловларда иштирок этар экан, мутахассислар, аввало, ғолибликка интилиш асносида ўз ўстида ишлайдилар, ўқийдилар, изланидилар, зиммаларига юклатилган вазифани тўлиқ адо этиб, бошқаларга намўна бўладиган ҳолатга келадилар.

"Ўзбектелеком" АК "ТШТТ" филиали директори Шомансур Абидходжаев ҳам 2014 йилнинг 19 июнида филиал телефон боғламалари ўртасида "Филиал тасарруфидаги ибратли ЭАТС" кўрик-танловини ўтказиш ҳақидаги буйруққа имзо чекар экан, ана шу мақсадларни кўзда тутган бўлса ажаб эмас.

Кўрик-танлов икки bosқичда ташкил этилди: биринчи bosқичда шаҳарда мавжуд олгига телефон боғламаси тасарруфидаги ЭАТСлар иштирок этган бўлса, иккинчи bosқичда ана шу боғламаларда ғолибликни қўлга киритганлар шаҳар миқёсидаги намунали ЭАТС номини олиш учун курашдилар.

— Танловнинг биринчи bosқичида мавжуд телефон боғламаларидан жами 47 нафар тизим муҳандиси иштирок этишди, — дейди филиал тармоқни ривожлантириш ва эксплуатация қилиш бўлими муҳандиси Миродил Нурматов. — Биз барча

ЭАТСларда бўлиб, ишнинг ташкил этилиши, мавжуд аҳволни ўргандик. Ва натижада ҳар бир боғламадан биринчи bosқичнинг учта ўрни аниқлашиб, биринчи ўрин эгалари бўлган линия муҳандисларига 1500 000 сўмдан, электромонтёр ва кабелчиларга Ўзбекистон Республикасидаги энг кам иш ҳақининг уч баравари миқдоридagi, иккинчи ўринни эгаллаган ЭАТС линия муҳандисига 1000 000 сўм ва электромонтёр ва кабелчиларга энг кам иш ҳақининг икки баравари миқдоридagi ҳамда учинчи ўринга лойиқ топилган ЭАТС линия муҳандисига 500 000 сўм, электромонтёр ва кабелчиларга энг кам иш ҳақининг бир баравари миқдоридagi пул мукофотлари берилди.

Яқинда кўрик-танловнинг якунловчи иккинчи bosқичи — филиалнинг шаҳар миқёсидаги ғолиблари-

ни рағбатлантиришга бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда иккинчи ўринга сазовор бўлган Миробод туманидаги 253-ЭАТС линия муҳандисига 4 000 000 сўм, электромонтёр ва кабел пайвандловчиларга республика миқдоридagi энг кам иш ҳақининг тўрт баравари миқдоридagi, шунингдек, учинчи ўрин насиб этган Марказий телефон боғламасидаги 237-ЭАТС линия муҳандисига 3 000 000 сўм ва электромонтёр ва кабел пайвандловчиларга энг кам иш ҳақининг уч баравари миқдоридagi мукофотлар топширилди.

Биринчи ўрин талабларига жавоб берувчи жамоа топилмади. Демак, ғолиблик учун кураш давом этади.

Муборак ИДРИСҲЎЖАЕВА

Муҳиддин СОЛИЕВ олган сурат

ИНХА университетида АТ-компаниялари вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди.

◀ 1-бет

Дарҳақиқат, дунёга келишимизнинг энг улур вуситачилари бўлмиш ота-оналаримизга, апрофимиздаги ёши улур инсонларга ғамхўрлик қилиш беш ўзбекларга она суги билан сингган фазилятдир. Эътиборлиси, ушбу бебаҳо қадриятимиз фақатгина оилалар доирасидагина қолиб кетмасдан, балки давлатимиз сиёсати даражасига кўтарилган. Муҳтарам Президентимиз таклифи билан 2015 йил мамлакатимизда Кексаларни эъюзлаш йили деб эълон қилинди ва бу орқали ёши улурларга ғамхўрлик қилиш давлат аҳамиятига эга масала эканлиги яна бир бор ўз исботини топди, азалий қадриятларимизга эътибор ва эъюзнинг на-вбатдаги ифодаси бўлди.

Президентимиз Ислам Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 22 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги "Мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизация қилишга қаратилган тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириш — бош мақсадимиздир" мавзусидаги маърузасида: "...турли соҳаларда эришяётган ютуқларимизда ота-оналаримиз, мўтабар қари-яларимизнинг унутилмас ва улкан хизмати борлигини, биз учун олдида умрбод қарздор эканлигини унутмаслигимиз, қўлимиздан келганича уларнинг оғирини энгил, умрини узоқ қилишни ўзимизнинг инсоний бурчимиз, деб билишимиз лозим", — дея бизни ушбу шарафли юмушга яна бир бор даъват қилди ва юртдошларимиз бу даъватни хурсандчилик билан қўтиб олди.

Халқимизда "Қариси бор уйнинг париси бор", "Қариси бор уйда барака бўлади", деган ибратли нақллар бекорга айтилмаган. Кексалар билан бирга яшаб, уларнинг ҳаётий тажрибаларидан, билимларидан баҳраманд бўлган инсонлар бу гапнинг нечоғлик пурҳикмат эканлигини яхши билишади.

Ота-онани, кексаларни эъюзлаш борасида да-ҳоларимиз қолдирган бой маданий мерослар ҳам биз учун ибратдир. Шеръият мулкининг сўлтони буюк бобоқаланимиз Ҳазрат Навоий ота-онанинг ҳурматини жойига қўйиш кераклиги фарзанд учун фарзи айн, яъни зарурий вазифа эканлигини шундай ифодалайди:

*Бошни фидо айла ато қошига,
Жисми қил садқа ано бошига.
Туи кунунга айлагали нурнош,
Бирисин ой англа, бирисин қўёш.*

Қайсики корхонада соҳа ривожини учун умрини бахшида этган кексаларга иззат-икром кўрсатилса, улар дуосини олишга эришилса, ўша корхона-ни муваффақиятлар асло тарк этмайди. Сабаби оддий: кексалар дуоғўйимиз, дуо олган одам кам бўлмайди. Бу оддий ҳақиқат бугун кўп-кўп алоқа соҳаси корхона ва ташкилотлари раҳбарлари фаолиятининг ажралмас қисмига айланган. Шунинг учун ҳам улар касба уюшмалари ташкилотлари билан ҳамкорликда ўзларида ишлаб пенсияга чиққан фахрийларни ижтимоий ва маънан қўллаб-қувватлашга катта эътибор бермоқдалар. Хусусан, "Ўзбектелеком" АКнинг "Бош коммутация маркази", "Тошкент шаҳар телефон тармоғи", "Телеком-муникация транспорт тармоғи" филиаллари, "Электромангит мослашув маркази" давлат унитар корхонаси каби меҳнат жамоаларида фахрийларни эъюзлаш борасида олиб борилаётган ишлар нафақат соҳа тизимидаги, балки республикадаги барча меҳнат жамоалари учун ибрат олишга лойиқ. Шу ўринда, гарчи газетамиз орқали бир неча бор

ёритган бўлсак-да, "Бош коммутация маркази" филиалида ташкил этилган Фахрийлар кенгаши ҳақида яна бир бор тўхталишни лозим топдик.

Авалло айтиш жоизки, "БКМ" филиалида азал-азалдан фахрийларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масаласига бош вазифа сифатида қараб келинган. Бу борада филиал касба уюшмаси қўмитаси қатъий режалар асосида иш олиб борган. Аммо 2006 йилнинг декабрида филиал раҳбарияти ташаббуси билан ташкил этилган Фахрийлар кенгаши бу борадаги ишларни янада мустаҳкамлади, хайрли ишлар қўламини оширди. Гап шундаки, ўшанда фахрийларни эъюзлашдек шарафли юмушга барча

“

Ўтган 2014 йилнинг ўзида кексаларимизга давлат бюджетидан 11 триллион 618 миллиард сўмдан зиёд пенсия тўланган.

”

қўшади. Албатта, бу эзгу ишлардан филиал раҳбарияти ва касба уюшмаси қўмитаси ҳам ўзларининг ёрдамларини аямасди.

Яқунланган Соғлом бола йилида ҳам Фахрийлар кенгаши жуда кўп савобли ишларни амалга оширди. Юқорида тилга олинган доимий ғамхўрликлардан ташқари, ўттиз

БИРИСИН ОЙ АНГЛА, БИРИСИН ҚУЁШ



СУРАТДА (чапдан ўнга): фахрий Эркин РИСКИЕВ, филиал Фахрийлар кенгаши раиси Бахтиёр АЗИМОВ, Шаҳарлараро АТС цех муҳандиси Азод САЙФУЛЛАЕВ, фахрий Мунаввар ҚОДИРОВ, электр таъминлаш ва климаттехника цехи бошлиғи Азиз АБДУҚОДИРОВ ўзаро суҳбатда.

ходимларни бирдек жалб қилиш, шу орқали ишчилар, айниқса, ёшларда ёши улурларга нисбатан хурмат туйғулари ошириш, икки авлод вакиллари ўртасидаги ришталарни сақлаб қолиш мақсади қўзланган раҳбариятнинг мазкур эзгу гоёси филиал жамоаси томонидан бир овоздан қўллаб-қувватланди. Натижада филиалда Фахрийлар кенгаши ташкил этилиб, фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш учун махсус ҳисобрақам очилди ва филиал ишчи-хизматчилари ўз хоҳишлари билан ҳар ойда маошларидан маълум бир қисмини мазкур ҳисобрақамга ўтказишга келишиб олдилар. Кенгашга ўша пайтда пенсияга кузатирилган Умид Сағатов раис этиб сайланди.

— Кенгаш ҳисобрақамига ҳар ким ўз ихтиёри билан ҳимматига кўра пул ўтказсади, — дейди қирқ беш йиллик умрини филиал равнақида бағишлаган, уч йилдан бери эса кенгашга раислик қилиб келаётган Бахтиёр Азимов. — Тома-тома кўл бўлур, деганларидек, йилгилан маблаг тегишли қорда доирасида фахрийларга ҳар чоракда, шунингдек, тугилган кунларида мукофот беришга, байрамларда тўкин дастурхон ёзишга, ёрдамга муҳтожларга доридармон олиб бериш, телефонлари учун пул тўлашга кўмаклашиш каби хайрли ишларга сарф қилинади. Албатта, барча ишлар кенгашнинг беш-олти нафар доимий аъзолари назоратида бўлади. Шунингдек, ҳар йили фахрийларимизни навбати билан Бухоро, Самарқанд, Хива каби қадимий шаҳарларга саёҳатларга олиб борамиз. Тошкентдаги зиёратгоҳларга сафарлар уюштирамиз. Юрган — дарё, дейишадик, бу саёҳатлар фахрийларнинг маданий ҳордиқ чиқаришларида жуда муҳимдир, уларнинг умрларига умр

уч нафар ёлғиз яшовчи ва етти нафар ногирон фахрийларга етмиш минг сўмликдан озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди. Йигирма бир нафар фахрийнинг шифохонада даволаниши учун моддий кўмак берилди. Ҳатто, уларнинг неваралари ҳам четда қолмади бу йил: қирқ нафар болажонга театр томошалари учун чипталар тарқатилди...

Хўб, улар, камтарлик билан, биз ўз бурчимизни бажаряёмиз ҳолос, ҳадеб матбуотда чиқаверсак таъна бўлиб қолмасмикин, ахир, ўнг қўлинг берганини чап қўлинг билмасин, деган гап борку дейишади. Бизнинг қарашимиз эса бошқачароқ: бу каби хайрли ишларни бошқалар учун ибрат қилиб кўрсатиш. Тинчлик-омонликда бошлаб олган Кексаларни эъюзлаш йилида "БКМ" филиали тажрибасини оммалаштириш. Зеро, Президентимиз айтганидек, барчамизни оқ ювиб, оқ тараган, она юртимизнинг оғир юкини, унинг қувонч ва ташвишини умр бўйи елкасида кўтариб келган мўтабар боболаримиз ва молларимизни, ота-оналаримизни рози қилиш, уларнинг дуосини олиш — дунёдаги энг улур, энг савобли иш, десам уйлайманки, барчангизнинг фикрингизни ифода этган бўламан... янги йилга Кексаларни эъюзлаш йили деб ном бериб, уни мана шундай пок ният ва ҳаракатлар билан бошлаётганимиз 2015 йилнинг тинчлик ва осойишталик, фаровонлик ва тўқнлик йили бўлишига, унинг янада мазмуни ўтишига муносоиб ҳисса бўлиб қўшилиди, иншоолло.

Усмоножон ЙЎЛДОШЕВ,
"Xabar" мухбири

“

Бугунги кунда давлатимиз пенсияга ажратадиган маблагнинг миқдори ўртача ойликнинг 41 фоиздан зиёдини ташкил этади.

”

Ахборот-коммуникация технологияларининг тараққиёти инсон ҳаётини ақудайликлар билан бойитиш имконини берадиган "Электрон ҳукумат" тизими жорий этилишига тўртки бўлди. "Электрон ҳукумат" тизими жаҳон амалиётида қанинги афзалликларини намойиш этиб улгурган. Мамлакатимизда ҳам кенг миқёсда ривожланиб бораётган мазкур тизим давлат ҳокимияти органлари ва бизнес соҳаси ўртасида, айниқса, фуқароларга турли давлат хизматларини интерактив шаклда кўрсатиш имконини тақдим этмоқда. Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси ҳузуридаги "Электрон ҳукумат" тизимини ривожлантириш маркази директори Шерзод ҲАБИБУЛЛАЕВ билан суҳбатимиз мазкур йўналишдаги янгиликлар, марказ фаолияти, унинг олдидagi вазифалар ва истиқболдаги режалар ҳақида кечди.



ахборот фаолиятини жорий этиш ва ривожлантириш ҳолатини баҳолаш ўтказилиб, унда ахборот тизимлари ва ресурсларини жорий этиш ҳамда АКТни жорий этиш самардорлигини рейтингли баҳолаш тизимининг таъбиқ этилиши ўрганилди.

Электрон ҳукумат архитектурасини ҳамда ахборот тизимларини ривожлантириш ва ахборот тизимлари экспертизасини ўтказиш йўналиши бўйича қатор ишлар олиб борилмоқда. Қўшимча қилиб, бугунги кунда электрон ҳукумат тизимининг сама-

2015 йил. "ЭЛЕКТРОН ҲУКУМАТ" ТИЗИМИ:

асосий вазифалар, истиқболдаги режалар

— "Электрон ҳукумат" тизимини ривожлантириш маркази соҳанинг қалдирғоч ташкилотларидан бири ҳисобланади. Унинг олдига қандай вазифалар қўйилган?

— Марказ жаҳондаги ривожланиш одимлари ҳамда хорижий мамлакатлар тажрибасини таҳлил қилиш ва тадқиқ этиш асосида "Электрон ҳукумат" тизимини такомиллаштириш ва янада ривожлантиришнинг стратегик йўналишларини ишлаб чиқиш мақсадида ташкил этилган.

Бундан ташқари, марказ давлат органларида фойдаланиладиган маълумотлар базаси ва ахборот-ресурсларини лойиҳалаштириш, ишлаб чиқиш ва муҳасамалаштириш механизмининг назарда тутилган "Электрон ҳукумат" тизимини шакллантиришга ягона технологик ёндашувни таъминлаш, лойиҳаларини амалга оширишни таъминловчи метёрий-ҳуқуқий базанинг ташкил этилишига ёрдам бериши зарур. Марказнинг муҳим вазифаларидан яна бири давлат органлари фаолиятининг функционал ва амалий жараёнларини тизимли асосда қайта ташкил этиш, давлат хизматлари кўрсатиш билан боғлиқ бизнес жараёнларини бошқаришнинг инновацион механизмларини жорий этиш, такомиллаштириш ва оптималлаштириш бўйича таклифлар тайёрлашдан иборатдир. Шунинг ҳам таъкидлаш лозимки, марказ "Электрон ҳукумат" тизимининг самарали жорий этилиши учун амалдаги метёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш бўйича таҳлил ва таклифларни тайёрлайди.

Шу билан бирга, тизимли мониторинг ўтказиш, ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ҳолати ва ривожлантиришга баҳо бериш, жумладан, ахборот тизимлари ва ресурсларидан фойдаланиш самардорлигини ўрганиш, шунингдек, "Электрон ҳукумат" тизими доирасида давлат органлари фаолиятига АКТни жорий этишнинг самардорлигини баҳолашнинг рейтинг тизимини юритиш ишларини олиб боради.

"Электрон ҳукумат" тизими лойиҳаларини амалга оширишда интерактив давлат хизматларини тақдим этиш ва фойдаланиш самарали таъбиқ кўрсаткичлари усулларини ишлаб чиқиш ҳам марказнинг муҳим вазифаларидан ҳисобланади.

— Марказ ва минтақавий бўлимлар ташкилий тузилмаси ҳамда уларда фаолият юритувчи ходимлар

таркиби борасида тўхталсангиз?

— "Электрон ҳукумат" тизимини ривожлантириш марказида ҳар бири ўз вазифасига эга бўлган, бир неча бўлимдан иборат қўйидаги еттига департамент мавжуд:

● Стратегик режалаштириш ва прогноزلash департаменти.

● Амалий ва функционал жараёнларни оптималлаштириш департаменти.

● АКТни жорий этиш ҳолатини таҳлил этиш ва баҳолаш департаменти.

● Электрон ҳукумат ахборот тизимини ривожлантириш.

● Электрон ҳукумат ахборот-ресурсларини ривожлантириш департаменти.

● Минтақаларда "Электрон ҳукумат" тизимини ривожлантириш департаменти.

● Ихтисослашган тузилмавий бўлимлар фаолиятларини мувофиқлаштириш департаменти.

“

Келгусида ходимлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш, ҳамкорликда илмий тадқиқотлар ўтказиш, электрон ҳукумат соҳасида илмий-амалий конференция ва семинарлар ўтказиш, "электрон таълим", "электрон соғлиқни сақлаш", "электрон солиқ солиш", "электрон божхона" каби ахборот тизимларини жорий этиш кўзда тутилган.

”

Юқориди санаб ўтилганлардан ташқари, марказ тузилмасига молиявий, халқаро, шунингдек, бошқа бўлим маъмурий ходимлари хизматлари ҳам кирди.

Ҳозирги пайтда марказда 74 нафар ходим фаолият юритади. Улардан беш нафари "Истеъдод" жағғармаси гранти соҳиблари, икки нафар ходим Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг докторлик илмий даражаси изланувчиси, икки нафар ходим Тошкент ахборот технологиялари университети ҳамда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университети докторлик илмий даражаси изланувчиларидир, 35 нафар ходим магистр, 36 нафари бакалавр даражасига эга мутахассис, 10 нафар ходим АКШ, Буюк Британия, Жанубий Корея, Германия, Австралия, Швейцария, Россия каби мамлакатлар олий таълим муас-

сасаларида таҳсил олган мутахассислар, шунингдек, 10 нафари чет элларда малака оширганлик сертификатига эга ходимлардир.

— Амалга оширилган ишларнинг дастлабки натижалари қандай бўлди?

— Марказ ташкил этилганига кўп бўлгани йўқ, шунга қарамай, талайгина ишлар амалга оширилди. Соҳага оид қонунчилик-метёрий базаси шакллантирилди ва янада такомиллаштириш бўйича фаол ишлар олиб борилмоқда.

Марказ ходимлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси билан ҳамкорликда Тошкент шаҳри йўловчи транспорти ишлари ташкил этиш тизимини такомиллаштириш бўйича ишлар бошлаб юборилган. Хусусан, "8-Avtosaroy" АЖ иш жараёнини мақсадли ўрганиш ўтказилди. Иш жараёнларини ўрганиш натижалари бўйича аҳолига кўрсатилётган хизматлар сифатини ва бошқарув тизимини яхшилаш бўйича так-

рали элементлари сифатида 20дан ортиқ лойиҳалар амалга оширилганлигини таъкидлаб ўтиш лозим.

Давлат интерактив хизматлари ягона портали ишини такомиллаштириш, унда кўрсатиладиган интерактив хизматлар сонини ошириш борасида ҳам кенг қўламли ишлар олиб бориляпти.

Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси мутахассислари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва бошқа вазирлик ҳамда идоралар билан ҳамкорликда давлат божлари ва бошқа йўғимлар онлайн-ўлов масалалари қайта ишланмоқда.

— Янги — 2015 йилга қадам қўйдик. Истиқболдаги режалар ҳақида ҳам сўзлаб берсангиз?

— "Электрон ҳукумат" тизимини ривожлантириш маркази жаҳоннинг илгор тажрибаларини ўрганиш, энг яхшиларини ўзи масъул бўлган фаолиятда қўллаш мақсадида хорижий ҳамкорлари билан халқаро алоқаларни фаол ва беvosита йўлга қўймоқда.

Корея Халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) билан ҳамкорлик доирасида "Ўзбекистон аҳолиси орасида компьютер саводхонлиги даражасини ошириш тизимини яратиш ва ривожлантириш" Концепцияси лойиҳаси тайёрланиб, қўмига АКТни стратегик ривожлантириш бўлимига топширилган. Концепция аҳолининг компьютер саводхонлигини яхлит ва умумий ҳажмда ошириш ҳамда интерактив давлат хизматларига улашишда тенг шартонлар билан таъминлашга хизмат қилади.

БМТ ривожланиш дастури ҳамкорлик механизми, жумладан, "давлат хизматлари кўрсатиш сифатини яхшилаш учун Электрон ҳукуматни илгари суриш" лойиҳаси устида ишланаяпти.

Албатта, марказ олдида аҳоли манфаатларини кўзда тутиган, вақт ва маблағни тежаш имконини берувчи кечиктириб бўлмайдиган муҳим вазифалар кўп. Давлат органлари, бизнес вакиллари ҳамда аҳоли ўртасидаги алоқани мустаҳкамлашда ўз вазифаларини муваффақият билан амалга ошириш ҳамда тақдим этиладиган имкониятларда мазкур "Электрон ҳукумат" тизимини ривожлантириш марказининг ўрни муҳим аҳамият касб этади. Мазкур вазифалар марказнинг белгилаб қўйилган келгусидаги истиқбол режалари асосида амалга оширилади.

Лутфилло ТУРСУНОВ
суҳбатлашди

Муваффақиятлар илдизи

Тошкент ахборот технологиялари университетининг Самарқанд филиалида барча машғулотлар замонавий педагогик ва ахборот технологиялари асосида йўлга қўйилган. Ҳар бир фан бўйича зарур манбалар ўқув-усlubий мажмуа сифатида шакллантирилган. Кафедраларда ҳаммаси бўлиб 104та ўқув услubий мажмуа яратилди. Ўқув жараёнига хизмат қилувчи техник жиҳозлар йилдан-йилга бойитилди. Ҳозир барча дарслар мултимедиа воситалари ёрдамида электрон тақдиротлар кўринишида ўтилади. Масофавий электрон таълим усуллари кенг жорий қилинди.



Самарқанд вилояти, шаҳар ва туман ҳокимликлари ходимларининг АКТ ва компютер саводхонлиги бўйича малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш юзасидан ўқув дастурлари ва жадвали ишлаб чиқилди ва тўлиқ амалга оширилди.

Интернет технологиялари ўқув жараёнига кенг қўламда татбиқ этилмоқда. Ўқув жараёни учун ажратилган 250дан зиёд компютернинг ҳаммаси интернетга уланган ва уларнинг тезлиги замонавий меъёрларга мос келади. Талабалар нафақат аудитория дарсларида, балки мустақил иш, курс ишлари, битирув-малакавий ишлари ва магистрлик диссертацияларини бажаришда интернет ресурсларидан фойдаланмоқда.

Мустақиллик йилларида эришилган яна бир ютуқ — чет тилларига, хусусан, инглиз тилига қизиқишнинг ортиши бизнинг талабаларимиз, илмий ходимлар ва профессор-ўқитувчиларимизга ҳам хосдир. 1, 2 ва 3-босқичларда барча талабалар учун чет тили (инглиз, немис ёки француз тили) дарслари, 4-босқич талабалари учун эса амалий инглиз тили дарслари ўтилмоқда. Ҳар йили 3-4 нафар талаба битирув-малакавий ишини инглиз тилида ҳимоя қиляпти. Инглиз тили билан фаол шуғулланган талабаларимиз филиал очилган йилларда 3-5 фойзни ташкил қилган

бўлса, ҳозир бу кўрсаткич 10-12 фойздан кам эмас.

ТАТУ Самарқанд филиали профессор-ўқитувчилари ҳам илмий-тадқиқот ишларини замонавий ахборот тизимлари, бошқаришнинг интеллектуал воситалари, маълумотлар ва билимлар жамғармаси ҳамда дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиш

“

ТАТУ Самарқанд филиалини 2006-2014 йилларда бакалаврият таълим йўналишида 2094 нафар, магистратура йўналишида 116 нафар талаба битирди.

”

илмий йўналишида олиб боришяпти.

2005-2014 ўқув йилларида филиал раҳбарияти, иқтидорли талабалар билан ишлаш бўлими, кафедра ва иқтидорли талабаларга бириктирилган илмий раҳбарлар сермазмун ишлари олиб бориб, жуда керакли ва муҳим натижаларни қўлга киритишди.

— Ҳисобот даврида ўнга яқин халқаро, 20дан ортиқ республика, 50дан ортиқ ОТМ миқёсларидаги анжуман тўпламларида талаба ва магистрантларнинг илмий мақолалари чоп этилди, — дейди биз билан суҳбатда Иқтидорли талабалар билан ишлаш бўлими бошлиғи Туракул Нормуродов. — KOICA ва SAMSUNG ELECTRONICS ҳомийлигидаги дастурчиларнинг очик чемпионатида 11 нафар иқтидорли талабанинг тугалланган дастурлари тақдим этилди. Шунингдек, 9 нафар иқтидорли ва фаол талабадан ташкил топган учта дастурчилар жамоаси жаҳон биринчилигининг чорак финал мусобақасида иштирок этиб, яхши натижалар кўрсатишди. Ярим финалда жамоаларимиздан бири керакли рейтинг натижаларини қўлга киритди. Иқтидорли талабаларимиздан Зариф Наҳалов (2-босқич магистранти), Ҳаёт Мирзаев (2-босқич талабаси), Баҳром Раҳмонов (1-босқич талабаси) “Factor.uz” дастурчилар беллашувида галиб бўлишди. Тўққиз нафар талаба республика фанлар олимпиадасининг 1-босқичи галиблигини қўлга киритиб, республика босқичида кучли ўнликдан жой эгаллади.

Спорт йўналишида телекоммуникация технологиялари ва касб таълими факултети 1-босқич, 116-гуруҳ талабаси, ўзбек жанг санъати бўйича спорт устаси Жамил Юсупов таэквондо бўйича

2014 йили Сочида бўлиб ўтган мусобақаларда жаҳон чемпионлигини қўлга киритган бўлса, 1-босқичнинг 108-гуруҳ талабаси Ахбор Баҳодиров кикбоксинг бўйича Ўзбекистон чемпиони бўлди.

ТАТУ Самарқанд филиалини 2006-2014 йилларда бакалаврият таълим йўналишида 2094 нафар, магистратура йўналишида 116 нафар талаба битирди. Мониторинг натижаларига кўра, битирувчилар ҳозирги кунда республикаимиз иқтисодиётининг барча соҳаларида фаолият олиб боришмоқда. Магистратура мутахассислигини битирганларнинг асосий қисми олий таълим ва ўрта махсус касб-хунар таълимида ишлаш билан биргалликда, илмий фаолиятини ҳам давом эттиришяпти. Жумладан, уч нафар фан номзоди диссертациясини ёқлади, тўрт нафари ёқлаш арафасида.

“Ўзбектелеком” АК Самарқанд филиали, “ЎЗИ” қўшма корхонаси, Самарқанд вилояти техник радионазорат станцияси, Самарқанд радиотелевизион узатиш маркази ва шу каби вилоятдаги соҳа корхоналарининг раҳбар ва мутахассис ходимлари томонидан ТАТУ Самарқанд филиали талабаларига доимий равишда махсус фанлардан дарслар ўтилиши йўлга қўйилган.

Абдуғафур ҲОТАМОВ,
“Xabar”нинг Самарқанд вилоятидаги мухбири

Ватан улуғ, муқаддас!

Ҳарбийлик шарафи

“Ҳар бир йигит учун Ватан ҳимояси муқаддас бурч бўлмоғи лозим. Бу халқимизда авлоддан авлодга ўтиб келаятган анъаналар. Шунинг учун, аввало, соғлом ва бақувват бўлишга ҳаракат қилинг, спорт билан мўнтазам шуғулланнг.

Мактабда фанларни пухта ўзлаштириб, қуқур билим олинг. Унутманг, ҳарбийлик шарафи касб. Негаки, ортингизда Ватанингиз, ота-онанингиз, яқинларингиз туради”. Бу гаплар-



ни Махсус авария-тиклаш бошқармаси (15361-ҳарбий қисм) молия-иқтисод бўлими бошлиғи, майор Даврон Каримов ҳамда укаси, ҳозирда Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси инспектори Баҳром Каримовга отаси Аваз ака (Аллоҳ ўз раҳматига олсин) кўп бора такрорларди. Шунинг учун ҳам Даврон ўрта мактабдан сўнг ўқишини Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети ҳарбий факултетига давом эттирди ва чақирқочча ҳарбий таълим ва жисмоний тарбия ўқитувчиси мутахассислигига эга бўлди. Сўнгра дастлабки иш фаолиятини МАТБда ўта муҳим объектларни кўриқлаш бўлими офицерлигидан бошлади. Сўнгра унга Ўқув маркази ўқув жараёнини таъминлаш взводи командирлиги ишониб топширилди.

— Отам узоқ йиллар Ҳамза тумани Давлат солиқ инспекциясида бўлим бошлиғи вазифасида меҳнат қилган, — дейди Давронжон биз билан суҳбатда. — Шу сабаб уйда ҳам молия соҳасидаги гаплар кенг муҳокама қилинарди. Оиладаги ижобий муҳитнинг, истаисизми-йўқми, ҳаётингизда таъсири бўлар экан. Мен ҳам иккинчи касбни эгаллаш мақсадида Мирзо

Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида ўқиб, иқтисодиёт соҳасини ўргандим ва икки йил давомида Тошкент вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси маъмурий хўжалик бўлинимаси етакчи мутахассиси, бўлинка бошлиғи вазифаларида ишладим. Сўнгра, 2008 йилда яна МАТБга қайтдим.

Даврон Каримов бу ерда кадрлар бўлими катта офицери вазифасида ишлаш бошлади. 2012 йилдан бошлаб эса ҳозирги вазифасига ўтказилди. Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети лейтенант унвони билан битирган Даврон бугун майор унвониди. Бу ҳам унга янада катта масъулият юклайди, бажараётган ҳисоб-китоб ишларида синчковлик ва ҳушёрликка янада кўпроқ эътибор беради.

Давронжон бир пайтлар отасидан эшитган гапларини бугун ўғиллари Ҳумоюнбек ҳамда Элбекларга бот-бот такрорлайди. Уларнинг ҳам Ватан ҳимояси, юрт манфаати учун фидойи инсонлар бўлиб вояга етишини истаиди, тарбиясига жиддий эътибор қаратади. Бу борада унга рафиқаси Дилнозахон яқин кўмакдош.

М.ИДРИСҲҲҲАЕВА

2014 год оказался довольно "урожаемым" как для Узнета, так и для Центра UZINFOCOM. За это время были разработаны и внедрены значимые системы и сервисы, занявшие свое место в информационной среде Узнета. Обо всех новинках и изменениях мы старались давать оперативную и самую подробную информацию, а сегодня же, давайте вспомним о самых интересных событиях и материалах.

Если начинать с самого важного и насущного, то это безусловно Электронное правительство, а именно Единый портал интерактивных государственных услуг. За 2014 год мы могли наблюдать настоящий взрыв заинтересованности в интерактивных госуслугах — около 93 тыс. из 97 тыс. обращений были поданы в этом году. Чем же так привлек пользователей My.gov.uz?

Если с самого дня запуска ЕПИГУ рассматривался пользователями лишь в качестве инструмента для подачи жалоб, то сейчас портал вышел на новый уровень — пользователей все больше интересуют интерактивные услуги. Как показывает статистика, с недавних пор основными пользователями портала стали юридические лица и предприниматели.

Для более эффективного пользования ЕПИГУ физическими лицами с 1 октября 2014 года запущен "Персональный кабинет субъекта предпринимательства". С его помощью открывается прямой доступ ко всем услугам Единого портала, предназначенным юридическим лицам. Вероятно, что Единый портал не освободит предпринимателей от беготни по инстанциям на все сто процентов, но, безусловно начало у этой цели неплохое.

Еще одна немаловажная и как мне показалась актуальная интерактивная услуга Единого портала, внедренная в 2014 году — подача электронной заявки на возврат пакета документов абитуриента по почте. Это услуга поможет решить проблему абитуриентов, проживающих отдаленных от учебного заведения в регионах. Результатом данной услуги является возврат абитуриенту пакета его документов заказной почтой в случае провала на вступительных экзаменах.

Продолжая тему онлайн-обращений и интерактивных услуг, обращу ваше внимание на уже всем известный факт, что основные жалобы населения направлены на жилищно-коммунальную сферу и занимают лидирующие позиции в числе обращений. Именно поэтому Портал коммунального хозяйства и жилищного фонда E-kommunal.uz продолжает набирать популярность среди пользователей. Благодаря Порталу сотни граждан отремонтировали дома и дороги, убрали мусор со дворов и починили крыши. Кроме Хокимията Ташкента к порталу присоединились ТашТеплоЭнерго и Агентство Узкоммунхизмат, также прорабатывается вопрос подключения других коммунальных служб.

Плодотворным прошедший год оказался и для Почтового сервиса uMail.uz, которому в мае исполнилось всего год. 104 тыс. почтовых ящиков против 25 тыс. с хвостиком прошлогодних — это не может остаться без внимания. За столь короткий срок uMail.uz успел зарекомендовать себя, как простой и удобный почтовый сервис в сети Tas-IX, склади единственный с интерфейсом на узбекском языке.

Значительное расширение объема почтового ящика с 200 Мб до 1 Гб, а потом и до 10 Гб — еще одна ступень в развитии нашей отечественной почты. Если говорить обо всех "удобствах" сервиса, стоит отметить и СМС-

ОБРАЩЕНИЯ НА ЕПИГУ
2013 г. — 4 000 обращений
2014 г. — 93 000 обращений.

оповещение о приходе электронной почты на почтовый ящик.

В 2014 году мы отметили 19-летие доменной зоны .UZ, в честь чего пользователям был представлен новый проект Центра UZINFOCOM — For.uz. Пользователям предлагается совершенно бесплатно получить домен третьего уровня вида name.for.uz.

Оглядываясь назад с целями на будущее

Возможно, многим он покажется бесполезным, но наша работа ориентирована не только на дороге и продвинутые сайты — не будем забывать о студентах, которые также хотят реализовать свои идеи и желательно бесплатно. Кроме того, на мой взгляд домен можно придумать очень звучный домен, например music.for.uz — музыка для Узбекистана.

К слову о студентах, одним из приоритетных направлений деятельности Центра — это образовательные ресурсы. В 2014 году была полностью пересмотрена концепция Образовательного портала Ziyonet — был изменен дизайн, логотип и подход к подаче информации. Учитывая приверженность молодежи к социальным сетям, схожий функционал был добавлен и на Портал Ziyonet. Если раньше с портала можно было только брать информацию, сейчас он представляет собой полный набор интерактивных инструментов для общения, обмена информацией и мнениями. Особенно популярны разделы "Вопросы-ответы", "Иностранные языки" и мессенджер. Раздел "Иностранные языки", также значительно "подрос" и включает в себя большое количество вспомогательных учебных материалов для изучающих языки.

Понимая всю важность данного направления, ведется постоянная работа по модернизации и наполнению образовательных проектов Центра. К началу учебного года 2014-2015 было запущено новое мобильное приложение "e-Darslik", которое позволяет читать общеобразовательные учебники на мобильных телефонах и планшетах. E-Darslik позволяет решить проблемы дефицита учебников и тяжелых портфелей школьников.

Один небольшой мобильный гаджет откроет доступ ко всей библиотеке учебников и заменит многие школьные книги. Кроме того, актуальные и современные учебники для школьников и студентов колледжей, лицеев собранные в едином месте, позволяя оптимизировать и улучшить учебный процесс, благодаря популярности и доступности современных смартфонов. Приложение доступно на портале сети Ziyonet и в GooglePlay. Пока с помощью E-darslik доступно уже 50 школьных учебников, но в скором времени этот список дополнит все остальные.

В 2014 году Центром UZINFOCOM

было разработано много стартапов: Сервис на базе SMS-платформы Bedana.uz, позволяющий организовывать различные SMS-рассылки по собственной базе, такие как уведомления сотрудников о встрече или поздравления, сообщения клиентам о новостях компании и др. Интересное решение с использованием СМС-шлюза, а главное, легкое в использовании.

Система контроля и управления доступом (СКУД), позволяющая отслеживать посещаемость сотрудников. СКУД, также имеет возможность интеграции с бухгалтерией для автоматического подсчета трудового времени.

Еще одна из новых разработок Центра UZINFOCOM — система управления задачами

Jarayon, которая автоматизирует и оптимизирует рабочие процессы в организации. Причем, это решение подходит для организации любого размера, сложности, структуры и рода деятельности — от государственных организаций до производственных, торговых компаний и крупных корпораций. Jarayon позволяет вести учет, мониторинг и делегирование задач по проектам и группам.

В число самых значимых и важных за прошедший год разработок Центра вошла информационная система "Мониторинг инвестиционных проектов Республики Узбекистан" — INVESTPRO. Эта система выполняет задачи сбора информации и отчетности по реализации инвестиционных проектов предприятий, входящих в состав Комплекса по вопросам сельского и водного хозяйства, переработки, сельхозпродукции и потребительских товаров и была разработана по поручению Кабинета Министров Республики Узбекистан. Чувствуете, как солидно звучит? Цель создания системы не менее солидна — мониторинг исполнения утвержденных инвестиционных проектов организаций и принятие соответствующих управленческих решений по их своевременной реализации.

2014 год выдался плодотворным не только в плане новых разработок и проектов — было проведено много запоминающихся и ярких мероприятий. Неделя ИКТ, Форум программистов, СтартапМиксы, учебные семинары с преподавателями и учащимися учебных заведений регионов — хороший повод для представления своих разработок, обмена опытом и изучения потребности пользователей.

